



« 21 » январь 2020 йил

№ 34/01

Ҳукумат қарорларини ижро учун раҳбарликка олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,25-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги “Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2020 йил 15 январдаги 13-сонли қарорлари ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. 2023-2025 йилларда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш жараёнларини механизациялаш мақсадида пахта териш машиналарини ҳарид қилиш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Инятов), “Хўжайли агросервис МТП” МЧЖ (Изимбетов) билан биргаликда:

пахтани машинада териш учун ажратилган ерларни барвақт тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш;

пахта териш техникасини иловадаги режадан келиб чиқиб, харид қилишда манфаатдор бўлган фермер хўжаликлари рўйхатини шакллантириш;

пахтани териб олишни жадал механизациялаш бўйича белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш топширилсин.


4. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Инятов), тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари билан биргаликда:

пахта майдонларининг агрофонини машина ёрдамида териш учун сифатли тайёрлаш, шу жумладан, тегишли чигит навларини танлаш, экиш, қаторлар орасига ишлов бериш, дефолиация қилиш, ер майдонларини тайёрлаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш;

машина теримига ажратилган далаларнинг қаторлар орасини устун даражада 76 см кенгликда тайёрлаш агротехник тадбирларини бажариб, чигит навларини танлаш ва экиш ишларини ташкил қилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари А.Кудайбергенов зиммасига юклатилсин.

Хўжайли тумани ҳокими



Ж.М.Ермашев